



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Улуғнор тумани бодонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи:

А.Умурзаков

**УЛУҒНОР ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ  
УЛУҒНОР ТУМАН БЎСТОН МФЙ МЕХРИГУЛ КЎЧА ЙЎЛИНИ 2225 МЕТР  
ҚИСМИНИ АСФАЛЬТЛАШТИРИБ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ УЧУН ТАНЛОВ  
ХУЖЖАТЛАРИ**

**Улуғнор тумани – 2022 йил**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТ**

1.1. Танлов предмети: Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармасига қарашли Улуғнор тумани Бўстон МФЙ Меҳригул кўча йўли пойини махсус техникалар билан текистлаб қум шағал аралшмаси билан йўл асосини шағаллаштириб йўл пойини қатириб асфальтлаштириб жорий таъмирлаш ишларини бажариш.

1.2. Танловнинг юкори қиймати — 848 766 591 (саккиз юз кирик саккиз миллион етти юз олтимиш олти минг беш юз тўксон бир) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларинининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якуни бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан буюртмачи ўртасида пудрат шартномаси тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланиб туман ғазначилик бўлимидан рўйхатда ўтиб аванс маблағи тўланган кундан бошлаб 30 иш куни белгиланади, тузилган лойиха-смета хужжати ва нуксон далолатномасига асосан белгиланган тартиб бўйича таъмирлаш ишлари бажарилади.

1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси (Бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси деб ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Улуғнор тумани Шахрихон кўча 5-уй

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3 Танлов Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага, йўл куриш ишларига мўжаланган махсус транспорт техникалар (гредер, юк ташувчи автомашиналар ва йўл қатирувчи катоклар, асфальт ётқизувчи укладчик техникалари)га эга бўлган, йўл куриш ишларига ихтисослашган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкун.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, моддий техника базаси ва мутахассисларининг мавжудлиги; объектнинг мураккаблик даражасига қараб “лицензия” ва гувоҳнома 684- Конун 13- моддасига риоя этилганлиги бўлиши шарт.

\* Моддий техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника рўйхати ускуналари

\* Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларининг ҳаёти суғурталанганлиги

\* Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йўриқномалари

\* Ишчи ходимларинг диплом нусхалри, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари.

\* Бажарилган ишларга бериладиган қафолат муддати

\* Шу соҳада олдин қилинган ишларига буюртмачилар томонидан берган тавсифнома

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолият конунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабларига рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилш (ажралиш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулки мусодара қилинганлар ҳамда муассислик келишув молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар малумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкун

4.2 Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим.

Техник қисм, Буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак:

Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида хизматларни бажариш муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлид ҳолда тикилган номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3 Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар: Техник ҳужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

Факат битта таклиф бериши мумкин тақдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

таклифлар бериш муддати тугагунича ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

## **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

5.1 Харид комиссияси танлов учун тарифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун талукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкун.

5.2 Таклифлар муддатини ўзгартириши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини ўзгартириш тўғрисидаги қарори махсус ахборот парталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда қолиб иштирокчиларини аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилишга мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Қолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарлар (ишни хизматни) ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилан ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси агар сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларини қоидаларига доир тушунтиришлар уларни мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баёномаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда кўчирма имзоланган кундан этиборан уч иш куни ичида махсус ахборот парталида элон қилинади.

7.4 Танловнинг исталаган иштирокчиси таклифларини қориб чиқиш ва баҳолаш баёномаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан этиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.